

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

# JOFS

## 6-CON

ИЮНЬ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

# Journal of Fundamental Studies

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 6-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-6

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-6

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-6>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-ўй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Юридик фанлар*

**ГАФУРОВ Фарход Рашидович**

*Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси  
Божхона институти катта ўқитувчиси, ю.ф.б.ф.д. (PhD)  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8063180>*

## **БОЖХОНА СОҲАСИГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА !!!**

### **АННОТАЦИЯ**

Мазкур илмий мақолада бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасидаги жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув тадбирларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган. Хусусан, божхона соҳасидаги жиноятларни фош этишдаги амалий-ҳуқуқий муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** божхона соҳасидаги жиноятлар, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, жиноят процесси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят кодекси.

**ГАФУРОВ Фарход Рашидович**

*Старший преподаватель Таможенного института  
Таможенного комитета Республики Узбекистан, д.ф.ю.н. (PhD)*

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ ПРИ РАСКРЫТИИ ТАМОЖЕННЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ – АКТУАЛЬНАЯ ЗАДАЧА!!!**

### **АННОТАЦИЯ**

В данной научной статье рассмотрены вопросы совершенствования организационно-правовых основ оперативно-розыскных мероприятий при раскрытии таможенных преступлений в Республике Узбекистан на сегодняшний день. В частности, описаны практические и правовые проблемы раскрытия таможенных преступлений и предложения по их решению.

**Ключевые слова:** таможенное преступление, оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскная мероприятия, нарушение таможенного законодательства, уголовный процесс, Уголовно-процессуальный кодекс, Уголовный кодекс.

**GAFUROV Farkhod Rashidovich**  
*Senior lecturer at the Customs Institute*  
*Of Customs Committee of the Republic Of Uzbekistan, PhD*

## **IMPROVEMENT OF THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF OPERATIONAL-SEARCH MEASURES IN THE DISCLOSURE OF CUSTOMS CRIMES - A CURRENT TASK!!!**

### **ANNOTATION**

This scientific article discusses the issues of improving the organizational and legal foundations of operational-search activities in the disclosure of customs crimes in the Republic of Uzbekistan today. In particular, practical and legal problems of disclosure of customs crimes and proposals for their solution are described.

**Keywords:** customs crime, operational-search activity, operational-search activities, violation of customs legislation, criminal procedure, Code of Criminal Procedure, Criminal Code.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган глобаллашув ва иқтисодий интеграция шароитида жаҳонда ва Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасидаги жиноятларни фош этиш, бу борада ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, халқаро миқёсда Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) тавсияларида божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш чораларини, шу жумладан тезкор-қидирув тадбирлари ҳисобланган ниқобланган операциялар, алоқанинг техник каналларидан ахборотларни ечиш, назорат остида етказиб бериш ва бошқа самарали механизмларни йўлга қўйиш бўйича халқаро стандарт қоидалар ўрнатилган. Мазкур қоидаларни бутун дунё давлатларида жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар қўрилмоқда [1, Б.10-21].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 16-мақсад сифатида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш белгиланган.

Шунингдек, 17-мақсад сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш, қўшимча куч ва воситаларни жалб қилиш чораларини ишлаб чиқиш кўрсатиб ўтилган [2, Б.14-15].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг статистик маълумотларига кўра, фуқаролар томонидан божхона соҳасидаги жиноятларни содир этиш ҳолатлари ошган.

Жумладан, 2022 йилда божхона органлари томонидан 16 мингдан ортиқ ҳолатда 839 млрд. сўмлик товарларнинг ноқонуний айланувига чек қўйилиб, ҳолатлар 54 %га ёки 5 минг 308 тага, товарлар қиймати 6 %га ёки 50 млрд. сўмга ошган.

Мазкур ҳолатни айрим товар турлари бўйича қуйидаги жадвалдан яққол кўриш мумкин:

№	Товар номи	2021 й. ҳолат сони	Суммаси (минг сўмда)	2022 й. ҳолат сони	Суммаси (минг сўмда)	Фарқи, сониди	Фарқи, суммада
1	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	96	2 246 533,9	94	4 773 832,1	-2	2 527 298,1
2	Дори ва тиббиёт буюмлари	692	41 200 777,5	908	41 273 267,1	216	72 489,5
3	Минерал ўғитлар	22	4 792 622,3	54	1 296 081,9	32	-3 496 540,4
4	Нефть маҳсулотлари	70	2 104 958,4	208	10 079 773,3	138	7 974 814,9
5	Озиқ-овқатлар	339	24 792 654,1	442	14 620 160	103	-10 172 493,9
6	Рангли металллар	95	3 941 464,4	87	4 189 157,1	-8	247 692,8
7	Спирт ва алкоғолли маҳсулотлар	141	1 004 701,6	206	1 926 808,1	65	922 106,6
8	Тамаки маҳсулотлари	166	18 756 370,9	338	19 811 320,4	172	1 054 950,5

Юқоридаги жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, божхона соҳасида содир этилган жиноятлар бўйича дори ва тиббиёт буюмлари, нефть маҳсулотлари, спирт ва алкоғолли маҳсулотлар, тамаки маҳсулотларини божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиш ҳолатлари сони ва қиймати ошган бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва рангли металллар қиймати жиҳатидан ошган [3, Б.1].

Чунки божхона соҳасидаги жиноятларни содир этиш усуллари шакл жиҳатидан янги кўринишда ва янги воситалардан, яъни ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда Интернет халқаро тармоғи имкониятларидан фойдаланиб содир этиш фаоллашиб бормоқда. Мазкур салбий тенденция бугунги кунда божхона соҳасидаги жиноятларни фош этиш усуллари такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Божхона соҳасидаги жиноятларни фош этиш борасида ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш соҳасида дастлаб “Божхона соҳасидаги жиноятлар” тушунчаси ва мазкур тоифага кирувчи жиноятларни кўрсатиб ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Халқаро норматив ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “Божхона соҳасидаги жиноятлар” тушунчасига турли хил ёндашувлар мавжуд.

Жумладан, 1977 йил 9 июнда Кениянинг Найроби шаҳрида имзоланган “Божхона ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларни бартараф этишида ўзаро маъмурий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги халқаро Найроби Конвенциясида “Божхона ҳуқуқбузарликлари” тушунчасига изоҳ бериб ўтилган. Унга кўра, “Божхона ҳуқуқбузарлиги – бу божхона қонунчилигини бузадиган исталган турдаги ҳуқуқбузарлик ёки шундай ҳуқуқбузарликни содир этишга урунишдир” деб таърифланган [4, Б.2].

Шунингдек, Божхона иттифоқининг Божхона кодексига эса “жиноят” тушунчасига таъриф берилган ва унга кўра, “жиноят – бу аъзо давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ юритилиши божхона органларига юклатилган жиноий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят” деб таърифланган [5, Б.2-3].

Аммо “Божхона соҳасидаги жиноятлар” тушунчасига мазкур халқаро конвенция ва кодексда таъриф берилмаган.

Шу билан бирга, “Божхона соҳасидаги жиноятлар” тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекслари мазмунида “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш” сифатида фойдаланилган. Аммо Жиноят кодексининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” номли 8-бўлимида “Божхона соҳасидаги жиноятлар” тушунчасига таъриф бериб ўтилмаган.

“Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш” тушунчаси эса тор маънодаги тушунча бўлиб, фақат Жиноят кодексининг 182-моддасида кўрсатилган жиноятнинг мазмунини англатади ва қамраб олади. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг “Жиноят ишининг терговга тегишлилиги” номли 381<sup>2</sup>-моддасида кўрсатилган қуйидаги моддалар:

1.	130-модда.	<i>Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиши</i>
2.	130 <sup>1</sup> -модда.	<i>Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиши</i>
3.	182-модда.	<i>Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш</i>
4.	184-модда.	<i>Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш.</i>
5.	244 <sup>3</sup> -модда.	<i>Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш</i>
6.	244 <sup>4</sup> -модда.	<i>Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш</i>
7.	246-модда.	<i>Контрабанда</i>
8.	250 <sup>1</sup> -модда.	<i>Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи</i>

Мазкур моддаларда кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш орқали содир этилади. Аммо Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекслари мазмунида фойдаланилган “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш” тушунчаси фақат Жиноят кодексининг 182-моддасида кўрсатилган жиноятнинг мазмунини англатади ва юқорида кўрсатилган бошқа моддаларнинг мазмунини қамраб олмаган. Бу шундан далолат берадики, бугунги кунда халқаро конвенциялар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига “Божхона соҳасидаги жиноятлар” тушунчасини киритиш ва унинг илмий таърифини ёритиб бериш зарурати мавжуд [6, Б.189].

Ҳозирги кунда божхона соҳасидаги жиноятларни фош этишда 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасига асосан, қуйидаги 16 та тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш белгиланган:

1. сўров;
2. маълумотлар тўплаш;
3. қиёсий текширув учун намуналар йиғиш;
4. текшириш учун харид қилиш;
5. назорат остида олиш;
6. предметларни ва ҳужжатларни текшириш;
7. тезкор кузатув;
8. шахснинг айнанлигини аниқлаш;
9. турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш;
10. почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш;
11. телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш;
12. абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш;
13. тезкор киритиш;
14. назорат остида етказиб бериш;
15. никобланган операция;
16. тезкор эксперимент [7, Б.5-6].

Шунингдек, тезкор-қидирув қонунчилигини қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда божхона соҳасидаги жиноятларни фош этишда ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирларининг ташкилий – ҳуқуқий асосларида бир қатор муаммолар мавжуд.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг ”Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари” номли 16-моддасида фуқароларнинг турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши белгиланган. Бу шуни англатадики, айбловни ҳимоя қилувчи давлат органи, яъни прокуратура томонидан инсон ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат беришга олиб келади. Бу ҳолат теговга қадар текширув, тергов ва суд жараёнларида далилларнинг мақбуллигига шубҳа уйғотади. Чунки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларига кўра, инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминловчи давлат органи сифатида қонунчиликда судлар эътироф этилмоқда.

Мисол тариқасида айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августда қабул қилинган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармонига асосан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш (белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно) тартиби ўрнатилди [8, Б.7-8].

Шунингдек, мазкур Фармонга асосан, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш. Бунда, тезкор-қидирув тадбирлари натижалари фақат улар қонун талабларига асосан олинган ва шахсда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёки тезкор тадбирда иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлгандагина суд ҳукмида далил сифатида тан олинishi мумкинлиги белгиланди.

Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг ”Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари” номли 16-моддасида фуқароларнинг турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига суд санкцияси асосида йўл қўйилишини белгилашни тақазо этмоқда. Яъни божхона соҳасидаги жиноятларни фош этишда суд санкцияси асосида ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида аниқланган маъмурий ва жиноий ишларда далилларнинг мақбуллиги ошади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида кўрсатилган “тезкор киритиш” ва “ниқобланган операция” тезкор-қидирув тадбирларини тезкор ходимлар томонидан амалиётда қўллашда ва мазкур икки тезкор-қидирув тадбирларини ўхшаш ва фарқли жиҳатларини англаш, тушуниш ҳамда ҳуқуқий тўғри баҳо беришда муаммолар мавжуд. Мазкур тезкор-қидирув тадбирлари тушунчаси мазмунан ўхшаш бўлсада, ўзига хос фарқли жиҳатларга эга ҳисобланади.

Хусусан, “тезкор киритиш” ва “ниқобланган операция” тезкор-қидирув тадбирлари мазмунан деярли бир хил аммо мақсади ва тадбирларнинг таърифи ҳамда ўтказиш вақти бўйича бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, “тезкор киритиш” тадбири амалга оширилганда жиноий гуруҳлар фаолияти ёки тезкор аҳамиятга эга бўлган объектлар фаолияти давомли бўлганлиги сабабли ушбу тадбир тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимини ёки махфийлик асосида кўмаклашувчи шахсни жиноий-криминоген муҳитга киритиш билан тугайди. Шу боис, киритиш амалга оширилгандан сўнг, “тезкор киритиш” тезкор-қидирув тадбири давоми сифатида кўшимча ҳаракатларни амалга ошириш қонунбузилиш ҳолатига олиб келади. Бу ўринда “тезкор киритиш” тезкор-қидирув тадбири давоми сифатида “ниқобланган операция” тезкор-қидирув тадбирини қўллаш зарурати вужудга келади.

Агар “ниқобланган операция” тадбири қўлланилмаса, жиноий-криминоген муҳит ёки тезкор аҳамиятга эга бўлган объектнинг кейинги ҳаракатлари тезкор ишловга олинмасдан қолиб кетади ва тезкор-қидирув ҳаракатлари мантиқий якунига етказилмайди. Бундан кўришиб турибдики, “тезкор киритиш” тадбирини “ниқобланган операция” тадбирисиз ва “ниқобланган операция” тадбирини “тезкор киритиш” тадбирисиз ўтказиб бўлмайди. Мазкур икки тезкор-қидирув тадбирлари мантиқий жиҳатдан бир-бири билан узвий боғланган. Бунда, “тезкор киритиш” тадбири тезкор-қидирув ҳаракатларини мантиқий бошлаб беради ва “ниқобланган операция” мантиқий давом эттириб, тугаллаб беради. Демак, ушбу икки тадбирни битта ном остида бирлаштириб, талқин қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш киритиб, ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, божхона соҳасидаги жиноятларни ошиб бориши Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигига хавф ва таҳдидларни вужудга келтириши мумкин. Шу боис, божхона соҳасидаги жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув тадбирларининг ташкилий – ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, келгусида божхона соҳасидаги жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув тадбирларининг ташкилий – ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг ”Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари” номли 16-моддасига ўзгартириш киритиб, фуқароларнинг турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига суд ажрими асосида йўл қўйилишини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида кўрсатилган “тезкор киритиш” ва “ниқобланган операция” тезкор-қидирув тадбирларини қуйидаги ном остида битта тезкор-қидирув тадбири сифатида талқин этиш:

*Тезкор киритишга асосланган ниқобланган операция* - тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимини ёки махфийлик асосида кўмаклашувчи шахсни жиноий-криминоген муҳитга ёки тезкор аҳамиятга эга бўлган объектга киритиш ва унинг имкониятларидан ноошқора фойдаланишдан иборат бўлган тадбир.”

Мазкур таклифларни қонунчиликка жорий этиш келгусида божхона соҳасидаги жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув тадбирларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES**

1. [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/132941/St10-21\\_RU.PDF](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/132941/St10-21_RU.PDF)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.
3. <https://customs.uz> сайти статистик маълумотлари.
4. “Божхона ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларни бартараф этишда ўзаро маъмурий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги халқаро Найроби Конвенцияси. 09.06.1977 й. (<https://www.wcoomd.org>)
5. Божхона иттифоқининг Божхона кодекси. Ноябрь 2009 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 22.09.1994 й.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 344-сон Қонуни 25.12.2012 й. Тошкент ш.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони. 10.08.2020 й. Тошкент ш.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 6-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-6

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-6

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)